

Тошкент кимё-технология институти “Силикат материаллар, нодир ва камёб металллар технологияси” кафедраси мудири проф. М.Х.Арипова, институт Халқаро алоқалар бўлими бошлиғи, “Силикат материаллар, нодир ва камёб металллар технологияси” кафедраси профессори З.А.Бабаханованинг Япониянинг Токио университети ва халқаро шиша йили “International year of Glass IYOG-2022” ёпилиш тантанали тадбири, “Шиша ёркин келажаги (celebrating IYOG2022)” халқаро конференциясида иштирок этиш бўйича Токио шаҳрига

2022 йил 6-11 декабр кунлари ташрифи

ХИСОБОТИ

Тошкент кимё-технология институти “Силикат материаллар, нодир ва камёб металллар технологияси” кафедраси мудири проф. М.Х.Арипова, институт Халқаро алоқалар бўлими бошлиғи, “Силикат материаллар, нодир ва камёб металллар технологияси” кафедраси профессори З.А.Бабаханова, “Силикат материаллар, нодир ва камёб металллар технологияси” кафедраси 2 курс таянч докторанти Ф.Б.Эркинов, ҳамда “Кварц” шиша ишлаб чиқариш корхонаси масъул ходими, бошқарув раиси маслаҳатчиси С. Турсунбаев Япониянинг Токио университети ва халқаро шиша йили “International year of Glass IYOG-2022” ёпилиш тантанали тадбири, “Шиша ёркин келажаги (celebrating IYOG2022)” халқаро конференциясида Токио шаҳрида 2022 йил 8-9 декабр кунлари иштирок этди.




Илгари халқаро шиша йили “IYOG-2022” доирасида Тошкент кимё-технология институтида 26-29 май кунлари “Шиша, керамика ва боғловчи материаллар ишлаб

чиқаришнинг инновацион технологиялари” халқаро конференцияси ташкил этилиб, анжуманга 20 дан ортиқ хорижий олимлар, Ўзкимёсаноат АЖ, Ўзсаноатқурилишматериаллари уюшмаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, “Кварц” АЖ, “Асл Ойна” АЖ, “Сирдарё ойна” АЖ, “Glass Expo” МЧЖ, «Art Gloss Galery» Холдинг компанияси, «Art soft» Холдинг компанияси, Тошкент чинни заводи, ЎзР ФА бир қатор илмий-тадқиқот институтлари, олий таълим муассасалари раҳбарлари, етук олимлар бевосита ташриф буюрган ва онлайн тарзда 150 дан ортиқ спикерлар иштирок этган. Конференциянинг ялпи масжлисида Италия, Испания, Дания, Польша, Жанубий Корея, Хитой, Хиндинстон, Россия, Беларусия каби давлатлардан ташриф буюрган олимлар, шунингдек мамлакатимизнинг етук олимлари, ёш олимлари ўзларининг маърузалари билан қатнашган.



Японияда “Шиша ёрқин келажаги (celebrating IYOG2022)” халқаро конференция доирасида Ўзбекистон Республикасида шиша махсулотлар ишлаб чиқариш истиқболлари бўйича дунёнинг илғор илмий ва ишлаб чиқарувчи ташкилотлари – “Халқаро шиша жамияти” раиси, “Saxon glass technologies” inc. корхонаси президенти проф. Arun Varshneya, AGC компанияси техника маркази тадқиқотчиси Satochi Yoshida, Токио университети “Материаллар ва атрой мухит фанлари” кафедраси “Индустриал фанлар” факультети профессори Hiroyuki Inoue ларга батафсил маълумот берилди ва эсдалик совғалари тақдим этилди.






Анжуман давомида ташкил этилган ишлаб чиқариш корхоналар кўргазмасида оптик шиша, ИҚ – танлаб ўтказувчан махсус техник шишалар янги технологиялари билан танишилди. Ҳамда анжуманда Япониянинг иждокорлари томонидан яратилган шиша санъат махсулотлари кўргазмаси ташкил этилган.









Тошкент кимё-технология институти Республика бўйича кимёвий технология (қурилиш материаллар), кимёвий технология (силикат материаллар – шиша, керамика ва боғловчи материаллар) соҳаси бўйича етакчи олий таълим муассасаси ҳисобланади. Республика бўйича шиша ишлаб чиқариш соҳасидаги йирик инвестицион лойиҳаларда институт профессор-ўқитувчилари ва институт битирувчилари кенг жалб этилган бўлиб, ушбу соҳа битирувчилари корхоналарда раҳбарлик қилмоқда.

Ўзбекистоннинг замонавий шиша саноати билан бирга қурилиш материаллари саноати мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири бўлиб, республика экспорт салоҳиятини юксалтириш ва ташқи иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Жумладан, Ўзбекистонда шиша буюмлар ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмига энг катта ҳиссани **“Кварц” АЖ** қўшмоқда, у Ўрта Осиё минтақасидаги сайқалланган листлар, автомобил ойналари ва шиша идишлар ишлаб чиқарувчи йирик корхона ҳисобланади. Корхона маҳсулотлари ички бозор талабини тўлиқ қондириб, кўплаб мамлакатларга (Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон, Афғонистон) экспорт қилинмоқда.

Республикада янги ойна ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Бундай объектлар қаторига Жиззах вилоятида қурилаётган завод ҳам қиради. 2017-йилда янги шиша ишлаб чиқариш корхонасининг расмий пойдевор қўйиш маросими бўлиб ўтди. Лойиҳанинг умумий қиймати тахминан 110 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Жорий йилда Навоий вилоятида қуввати кунига 400 тонна (озиқ-овқат ва тиббиёт саноати учун шиша идиш ва бутилкалар, рангсиз, рангли флоат листли шиша буюмлари, шунингдек, мустаҳкамлаштирилган ва автомобил ойнаси) ишлаб чиқарадиган корхона қурилиши кўзда тутилган.

Республика хомашё салоҳияти мавжуд бўлган кварц куми, дала шпатлари, доломит ва оҳактош захираларини ўз ичига олади, Қўнғирот сода заводи мавжуд бўлиб, сода ишлаб чиқаради (комбинат қуввати йилига 200 минг тонна).

Шиша саноатининг асосий устувор йўналишлари - ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ва илм-фан-тадқиқотлар натижаларига асосланган экспортга йўналтирилган маҳсулотлар турларини кенгайтириш, шунингдек, ушбу мақсадлар учун маҳаллий ва хорижий таълим, илмий-тадқиқот ва технологик ташкилотларни жалб этиш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда технологик ва экологик ишлаб чиқариш муаммоларини ҳал этиш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йил 30 апрель кuni ҳудудларда маҳаллий саноатни ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилиши давомида белгиланган вазифалар бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирилигига ҳудудлар эҳтиёжидан келиб чиқиб, қурилиш материаллар соҳасида хорижий олийгоҳлар билан ҳамкорликда муҳандис ва технологлар тайёрлашни кенгайтириш юзасидан

топшириқ берилиб, Тошкент кимё-технология институти курилиш материаллар технологияси йўналиши бўйича масъул этиб тайинланган. Конференция доирасида ушбу йўналиш бўйича илғор Япония, Европа, Германия университетлари илмий ишланмалари ва илғор технологиялари билан танишилди.

Ўрта Осиё бўйича энг йирик шиша ишлаб чиқариш корхонаси “Кварц” АЖ раҳбарияти билан биргаликда (корхона бошқарув раиси маслаҳатчиси С. Турсунбаев) анжуман доирасида шиша саноатида фаолият юритаётган хорижий корхона ва илмий ташкилотлар ишлари билан яқиндан танишилди.



“2022 – Халқаро шиша йили” доирасида “Шиша ёркин келажаги (celebrating IYOG2022)” халқаро конференциясида қатнашиш натижасида шиша материаллар кимёвий технологияси фанининг долзарб масалаларини муҳокама қилинди. Кимёвий технология ва шиша моддалар ишлаб чиқариш соҳасида олимлар ва ишлаб чиқариш вакиллари билан самарали ўзаро ҳамкорлиги учун илмий натижаларни амалиётга жорий этиш учун реал имкониятлар ўрганиб чиқилди. Халқаро конференцияда иштирок этиш натижасида жаҳон ва Ўзбекистонда шиша саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари билан яқиндан танишиш имконини беради.

Тайерлади: Институт Халқаро алоқалар бўлими бошлиғи З.Бабаханова, “Силикат материаллар, нодир ва камёб металллар технологияси” кафедраси мудири проф. М.Х.Арипова.